

Маъмура РАШИДОВА,
ЎзФА Алишер Навоий номидаги
Давлат адабиёт музейи,
филология фанлари номзоди

ШАЙХ НИЗОМИЙНИНГ “СИРЛАР ХАЗИНАСИ” ДОСТОНИДАГИ ҲАМД ВА НАЪТЛАР ТАЛҚИНИ

Жамолиддин Абу Муҳаммад Илёс бин Закий бин Абулмуайяд, яъни Низомий Ганжавий Шарқ шеърлятида илк “Хамса” – бешлик дostonлар туркумини ёзиб, хамсанавислик мактабини вужудга келтирган буюк шоир ва мутафаккирдир. Уни адаб аҳли Ҳаким Низомий деб тилга олади. У Низомий Ганжавий номи ила машхур. Форс адабиётида Низомийга эргашиб “Хамса” яратган санъаткорлар Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомийлардир. Уларга жавобан улуғ шоир вамутафаккир Алишер Навоий ўз “Хамса”сини туркий тилда ёзган. У “Эмас осон бу майдон ичра турмоқ, Низомий панжасига панжа урмоқ”, деб устоз шоирнинг буюк салоҳиятини эътироф этади. Шунингдек, Алишер Навоий деярли барча асарларида, айниқса “Хамса”нинг ҳар бир дostonида, “Насоим ул муҳаббат...” асарида устоз шоирларга чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан таъриф ва тавсиф беради.

Алишер Навоий “Ҳайрат-ул аброр” дostonининг ўн иккинчи бобини Шайх Низомий ва Амир Хусрав Дехлавий мадҳига

бағишлайди. Навбатдаги бобда Абдурахмон Жомий васф этилади. Унда ҳикоя қилинишича, устоз Жомий ва Навоий ўртасида “Низомий билан Хусрав устида сўз кетади. Уларнинг қалами туфайли пайдо бўлган икки “Хамса” оламга қандай ҳаяжонлар солмади! Лекин бу икки “Хамса”га кирган ўн гўзал дoston ичида олдинги икkitаси яққол ажралиб турар эди”¹. Бу икки дostonга жавобан Абдурахмон Жомий “Тухфат-ул аҳрор”ни ёзди. “У бошидан охиригача шоҳона дур эди”². Ундан қаттиқ таъсирланган, илҳом олган Алишер Навоий улар ҳаммаси бу йўлдан юрган экан, мен ҳам бир неча қадам юриб кўрсам қандай бўларкан? Улар ахир ўз асарларини форсча ёздилар, мен эса туркий тил билан бошласам,...

Йўлласа, бу йўлда Низомий йўлум,

Қўлласа, Хусрав била Жомий қўлум –

деб умид қилиб, “Ҳайрат-ул аброр”

дostonини ёза бошлайди.

¹ Алишер Навоий. “Ҳайратул-аброр”. (“Яхшилар хайрати”) Насрий баён қилувчи А.Ҳайитметов. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1974. с. 12.

² Ўша саҳифа.

Навоий “Шеърят мулкида ўзининг забардаст панжалари билан нақд тилла ва гавҳарлардан иборат беш хазинани қўлга киритган ҳазрати Шайх Низомий мадҳида...” ёзади:

У сўз санъаткорларининг бошидаги тож, ҳатто баҳоси ҳазинага тенг ўша тожнинг гавҳаридир. Уни фазилат қонидаги гавҳарларнинг қўриқчиси, камолот дарёсининг қимматбаҳо инжуси деса ҳам бўлади³.

“Махзани асрор” (“Сирлар хазинаси”) Низомий Ганжавий “Хамса”сининг биринчи достонидир. У муаллифнинг маълум қилишича, ҳижрий 572 йил 24 Рабеъ ул аввал ойида, мелодий ҳисоб бўйича 30 сентябрь 1176 йили ёзиб тугалланган.

“Махзани асрор” достони матни 1984 йил Душанбе шаҳрида, “Ирфон” нашриётида чоп этилган. Қуллётнинг кириш қисмида таъкидланишича, у Санойй Ғазнавийнинг “Ҳадиқат-ул ҳақиқат” асарига жавобан ёзилган⁴. Бу достон ёзилгунга қадар Низомий “Ғазал девони” билан эл орасида машҳур бўлган. Ахлокий-фалсафий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган “Махзани асрор” асари ҳам кўпчиликда кизиқиш уйғотган.

Шоир ва таржимон Олимжон Бўриев Низомий Ганжавийнинг “Махзани асрор” достонини Душанбе нашри асосида форс-тожик тилидан ҳозирги ўзбек тилига таржима қилди⁵. “Махзани асрор” достони ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларимиз ана шу таржима асосида баён этилмоқда.

Ўрта аср Шарқ мумтоз адабиётини Ислом таълимоти, ислом тафаккуридан айро тасаввур

қилиб бўлмайди. Шарқ достончилигида барча асарлар Худонинг мадҳи, Аллоҳ таолонинг сифатлари, яқкаю ягона экани, муборак ояти карималаридан намуналар келтириш билан бошланган.

Ҳаким Низомий Ганжавий буюк достоннавис шоиргина бўлиб қолмай, ҳофизи Қуръон, фақиҳ ва тафсир илмини чуқур эгаллаган олим, мусҳаф маъноларини, шунингдек, араб, юнон ва қадимги паҳлавий тил лаҳжаларини яхши билган ва асарларида дунёвий, диний маънавий хазиналар ҳикматларини мужассам этган. У ўз достонларини, жумладан “Махзани асрор”ни ҳам анъанага кўра Аллоҳ ҳамди билан бошлайди, Аллоҳнинг номи билан бу ишга қўл уради. Достон “Бисмиллоҳир-рахмонир-рахим, Ҳаст калиди дари ганжи ҳаким”- деб бошланади.

“Номинг бирла Аллоҳи раҳмон раҳим
Ки, бошлайман айлаб умеду ваҳм.

Ҳаким ганжи эшигин очгувчи бор,
Хазинасин элга этувчи нисор”.

Қуръон оятларидан бири бўлган илк сатр ва Тавба сурасидан бошқа барча суралардан олдин келадиган мазкур оятни шарҳлаб, “Ҳаким ганжи эшигин очгувчи” нарса бу Аллоҳнинг номи экани ва у элга барча хазиналарни сочувчи экани зикр этилади. Ҳаким эса Аллоҳнинг сифатларидан бири, Унинг номи донишмандлик рамзидир.

“Фотиҳати фикрату хатми калом
Номи Худодир, Анга эт тамом”.

Кейинги байтда тафаккур хазинасини очувчи ҳам, сўзнинг охири ҳам Худо номидир, дейди шоир.

Арш тахтининг поясидан еттинчи осмон устида малоиклар кўтариб туради. Низомийнинг хокига, яъни вужудига мададкор нарса тавҳид донаси бўлмиш “Ла илаҳа иллаллоҳ”

³ Алишер Навоий. “Ҳайратул-аброр”. (“Яхшилар ҳайрати”) Насрий баён қилувчи А.Ҳайитметов. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1974. с.9.

⁴ Проф. Е.Э.Бертельс ҳам шундай фикр изҳор этганлар. Аммо Озарбайжон адабиётшуноси бу фикрга эътироз билдиради. У Низомий “Хамса”сининг Ҳаким Санойй достонига алоқаси йўқ деб ҳисоблайди. Биз ҳозирча шу мулоҳазаларни ҳабар қилиш билан чекланамиз. Чунки Санойй ва Низомий масаласи катта масала. У алоҳида кўриб чиқилмоғи керак. М.Р.

⁵ Низомий Ганжавий. “Сирлар хазинаси” (“Махзан-ул асрор”). “Чашма принт” нашриёти, Т., 2013 й.

калимасини айтиш ва ишониш охират заминига
экилган савоб уруғидирки, бу уни азобдан
кутқарувчи, мадақкоридир.

Аввали ҳар чашмаки эҳсони бор,
Бор не вужуд они Яратғони бор.

Лаъли тирози камари офтоб,
Ерга берур жону оқизгувчи об.

Тарбия ўргатгучи ҳимматбаланд,
Кунни чиқаргувчи этиб ризқманд.

Аллоҳнинг сифатларини бирма-бир таъриф
этганидан сўнг Низомий иккита муножотни
келтиради. Биринчиси - Муножоти аввал –
“Аллоҳнинг ғазаби ва ундан қўрқиш” деб
аталади. Биринчи муножотда Низомий Аллоҳ
таолога илтижо қилиб дейди: Эй, барча борлик,
еру осмон сенинг қудратингдан пайдо бўлиб,
турли ноз-неъматларни ундириб чиқардинг.
Ҳатто, лойни қориб, илк аждодимиз Одамни
яратдинг! Унинг авлодларини шу тупроқ устида
жойлаштириб, уларга қора тупроқдан ризқ-
насиба ундириб бердинг. Зеро, Сен Раззоқ –
ризқ берувчисан.

Банда Низомийки танҳо Сени дер,
Икки жаҳон кўйида ўпгувчи ер.

Кўнглини илминг ила обод қил,
Бўйинини ғам домидан озод қил.

Илк муножотнинг якуний самараси шунча
илтижолардан кейин ер ўпиб илм сўрашлик
ва илм туфайли ғам тузоғидан озод бўлиб
саодатга етишдир. Илм икки қутбдан иборат.
Илоҳий-диний ва дунёвий илмлар. Биринчиси
Аллоҳ томонидан нозил қилинган ва унинг
асосида пайғамбарлар, авлиё-уламолар суннату
ҳикматлари, иккинчиси инсоний истеъдод
самараси бўлган ахлоқий, бадиий, фалсафий,
тарихий ва аниқ фанларга оид илмлар. Имон-
этиқод, тавҳидга ишониш, Аллоҳ буюрганини

қабул қилиш, ҳалолни ҳалол, ҳаромни-ҳаром,
тўғрини тўғри, эгрини эгри дейиш ва айтганига
амал қилиш илмнинг асл манбаидир.

Иккинчи муножот – “Аллоҳнинг авфи ва
инъомини сўраб” деб номланади. Бу муножотда
ҳам шоир Аллоҳ таолога қараб илтижо қилиб
гуноҳларини авф этишини, тўғри йўлга бошлаб
унда мустаҳкам олға бошлашини сўрайди.

Шоир илтижо билан яна ўзи учун қўшимча
ибодат нузлини – илҳом ила қалбига маърифий
боғланишни сўрайди. Шу бирла иккинчи
муножот хотима топиб, Расули акрам васфи
бошланади. Бу бобдан сўнг “Меърожда” номли
қисм келади. Малак Жаброил билан Муҳаммад
(с.а.в.) Буроқ номли отда фалакка парвоз қилиб,
Муҳаммаднинг Аллоҳ билан мулоқот қилиши,
умматлари учун эллик марта намоз ўқишнинг
ўрнига беш маҳал намоз ўқишни ўн бора савоби
билан ерга олиб тушганлиги ҳақида сўз боради.

Ояти нуреки, заволи на бор,
Кўрди кўзилаки, хаёли на бор.

Кўрганини кўзидан этмас ниҳон,
Кўрки у кас, кўрмайин этгай баён.

Кўрди паямбар на бўлак кўз ила,
Балки бу бош дийдасининг ўзила.

Кўргани ул парда, маконики йўқ,
Боргани ул йўлни, замоники йўқ.

Ҳиммати ганждан тавонгар бўлиб,
Жумлаи мақсуд муяссар бўлиб.

Белбақувват қайтди у боргоҳидан,
Юзини кўрсатди бу коргоҳидан.

Ул сафари ишқи ниёздан келиб,
Эзгулигу арзу намоздан келиб.

Эй, ҳадисинг мўҳри тилимиздурур,
Бўйи хушинг жону дилимиздурур.

Даври сахоники тамомига бер,
Хатми суханники Низомийга бер!

Шундан кейин Низомий тўртта салавотни келтиради. Одатда Аллоҳ таолога ҳамд-сано айтилса, пайғамбарга салавот-дуруд саломлар айтилади. Биринчи салавотда Хотамул анбиёнинг етти юлдузли тўққиз маснадли шамсияси тараннуми билан сўз бошланиб, Аҳмади мурсалнинг тупроғи хирад ақлдан олингандир, икки жаҳон унинг фитрокига боғлиқ, сахронинг тоза, пок сунбули, сирлар денгизининг асил гавҳари. Сунбули Кунга боқувчи сунбула, гавҳари лаъли куёшни ёқувчидур. Хандайи хуш шакар лабларидан урмайди, то садаф гавҳари сувда намоён бўлмаса. Маломатчиларнинг маломат тоши унинг гавҳарини, асил ҳикматлар дурдонасини синдиrolмайди.

Шамсаи нўҳ маснади ҳафт ахтарий,
Хатми расул хотами пайғамбарий.

Аҳмади мурсалки, хирад хокидур,
Икки жаҳон бастаи фитрокидур.

Тозаю пок сунбули сахройи ноз,
Хоса асил гавҳари дарёйи роз.

Сунбулидир Сунбулаи Кунбоқар,
Гавҳари лаъли-ла куёшни ёқар.

Иккинчи салавотда тан ва руҳ поклиги васф этилиб, Нуктагоҳи хонайи раҳмат ва заҳматларни йўқ этувчи, арабийлар моҳи ва тож кийувчи ажамиёлар шохининг қаноатли, нажот бергувчи шахс сиймоси талқин этилади.

Хок ичига сен кириб, эй, ганжи пок,
Ганжни жойи бўлгуси охири хок.

Ганжингу факринг ила вайрона, бас,
Шамъингу, зиллинг ила парвона бас.

Ақл шифожўю табиби ўзинг,
Моҳ сарафрозу ғариби ўзинг.

Тургилу кутганла туниин айла кун,
Шод Низомий дилин эт беҳузун.

Учинчи ва тўртинчи салавотларда ҳам Пайғамбар васф этилади. Эй, юборилган элчи, пайғамбарлар тожининг гавҳари, озодаларга тож гавҳарини бергувчи. Аввалги байт гарчи сенинг номинг билан гўзалдир, қофиядек охирги ҳукминг тугал. Бу вайрон кишлок, яъни дунёга ишорат бўлдики, сен бирла Одам унда иморат тикладиларинг, Адлни бунёд этиб, элларни саодатга бошладингиз. Сен Одаму Нухдексан, балки икковидан беҳроқсан, Иккисидан кейинги улуғ пайғамбарсан. Одам ўшал дондан жаннат ҳайздор бўлди, яъни, шайтон алдовига учиб, таъқиқланган дарахтга яқинлашиб, Жаннатдан ҳайдалди, сўнгра тавба қилиб, гулшақари хушгусор бўлди. Аммо дил боғида сенинг тавбанг, қалбингда кечадиган туйғулардан ҳам Аллоҳга покланиб тазарруъ қиласан, гуноҳинг бўлмаса ҳам тавба қиласан, даргоҳинг кўйи сенинг гулшақардур.

Эй гуҳари тожи фиристодалар,
Тож берари гавҳари озодалар.

Ҳар неки бегонаю хайлинг сени,
Жумла бу уй ичра туфайлинг сени.

Аввали байт гарчи номинг-ла гўзал,
Қофиядек охири ҳукминг тугал.

Низомий асарлари мутолааси ила китобхон бадий, фалсафий ва диний маърифий умумий таълимотлардан баҳраманд бўлади. Унинг равшан фикрлари зулматни оқ-қизғиш ва сариқ-қўқ рангли чироқлар билан ёритиб йўл кўрсатади, бу йўл камалак жилоси каби рангоранг ва зийнатлидир.